# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 13 май. СЕШАНБА № 38 (5.811). Сотувда эркин нархда


## ҲАР ИШДА ИЗЛАНИШ ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЗАРУР

Республика Президенти Ислом Каримов 10 май куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюриб, бу ерда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Чегарачи аскарлар ва божхона ходимлари ҳузурида бўлиб, уларнинг жанговар тайёргарлиги, яшаш шароити билан қизиқди.

Сурхондарёлик пахтакорлар ўрта ва ингичка толали ҳосил етиштиришда кўп йиллик тажрибага эга. Бу йил вилоятда 18 минг гектар майдонда чигит Андижонча усулда плёнка остига экилди.

Мамлакатимиз раҳбари Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигининг Ф. Шоймуродов бошлиқ бригада далаларини бориб кўрди. Бу ерда чигит плёнка остига экилган ерларда ниҳоллар бир текис униб чиққан. Чигит одатдаги усулда экилган майдонлардагига қараганда ғўза баравж ўсмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, пахта 25-30 кун илгари пишиб етилади.

Плёнка остига чигит экиш вилоят пахтакорлари учун янгилик, ҳали синаб кўрилмган агротехника тадбири бўлгани сабабли экиш пайтида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, ер об-тобида шудгорланмаганлиги, чигит экиш вақтида плёнка тўлиқ ёйилмагани ва баъзи жойларда уя катта очилиши натижасида бегона ўт ўсишига шароит туғилган.

Биз бундан кейин барча агротехника тадбирларини тўғри ўтказиб, мўл ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз, биринчи йил биз учун ўрганиш, тажрибани амалиётда қўллаш йили булди, дейишди деҳқонлар.

Мамлакатимиз раҳбари шундай деди: биринчи йил камчиликлар бўлиши табиий. **Асосийси бу усулнинг Сурхондарё иқлими, об-ҳавосига қандай тўғри келиш-келмаслигини батафсил ва чуқур таҳлил этиш керак. Шундан келиб чиқиб, сеялкаларни мослаштириш, техникадан тўғри фойдаланиш, иш унумдорлигини оширадиган керакли ўзгартиришларни киритиш зарур.** Бу масала пухта ўйланмас, тўғри сабоқ, хулоса қилинмас экан, яхши натижага эришиб бўлмайди.

Одатда Жануб шароитида майдонлар суғорилиб, етарли нам тўплангач чигит экилади. Бу йил ҳам шундай қилинди. Лекин тажриба сифатли шудгорланган майдонларни суғормасдан март ойининг биринчи ўн кунлигида плёнка остига чигит экиш мумкинлигини кўрсатди.

Президент мутахассислар ва хўжалик раҳбарлари билан янги усулнинг иқтисодий жиҳатлари — пахта сифати, уни сотиш, барвақт йиғиштириб олинган ҳосил ўрнига кузги ғалла экишнинг афзалликлари тўғрисида суҳбатлашди, қимматли маслаҳатлар берди.

Тумандаги «Янгиариқ» жамоа хўжалигининг ижарачи ғаллакори М. Абдураҳмонова даласида етиштирилаётган «Скифянка» навли буғдой ривожидан мамлакатимиз раҳбари мамнун бўлди. Сара, ҳосилдор, маҳаллий иқлим шароитига мос буғдой навларини етиштириш, уни уруғчилик хўжаликларида синаб кўриш мумкинлигини уқтирди.

Буғдой бошоқлари тўлишиб, пишай деб турган ғаллазорда бўлган суҳбат чоғида Ислом Каримов инсон учун энг муҳими тинчлик, осойишталик эканини, бу юртда фидойи одамлар, ер илмини пухта биладиган деҳқонлар борлигини қайд этди.

**Энг муҳими, бизга Оллоҳ инъом этган унумдор замин, саховатли қуёш, қолаверса, меҳнаткаш халқимиз бор, деди давлатимиз раҳбари. Кўзлаган мақсадларимизга эришиш учун эса изланиш, тадбиркорлик, ҳамжиҳатлик керак.** Қаердаки тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик, халққа ғамхўрлик бўлмаса, бирон натижага эришиш амри маҳол. Бунга ён атрофимизда мисоллар кўп. Шунингдек, мустақил давлатимизда ёш авлодни тарбиялаш, уларга замонавий таълим бериш, таълимни ислоҳ қилиш давр ўртага қўйган муҳим талабдир. Ватанимизнинг келажаги бўлган бугунги ёшлар миллий, умуминсоний қадриятлар, шарқона одоб-аҳлоқ руҳида тарбияланмоғи зарур. Бу борада тўққиз йиллик мажбурий, кейинчалик яна уч йиллик мажбурий-ихтиёрий таълимни жорий этиш, шу йўсин ёшларни касб-ҳунарга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлаш лозим.

Ислом Каримов Термиз шаҳридаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи «Сурхон-Аджанта ЛТД» Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасини бориб кўрди. Бу ерда ҳозирча 20 хил дори-дармон тайёрланмоқда. Хом ашё Ҳиндистондан келтирилаётир. Ваҳоланки, воҳанинг қулай табиий иқлим шароитида ўсаётган гиёҳлардан дори-дармон тайёрлаш имкони мавжуд. Хом ашёнинг асосий қисми ўзимизда тайёрланиши керак. Акс ҳолда бу корхонанинг истиқболи йўқ, деди Президент. Бунга эришиш учун изланиш, имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзфармсаноат» концерни мазкур корхона билан яқин ҳамкорликда иш юритишлари лозим.

Давлатимиз раҳбари чегара масканларидан бирида бўлиб, ҳарбийларга яратилган шароит, ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган аскар ва зобитларнинг хушёрлиги, жанговар тайёргарлиги билан танишди.

**Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир, деди Президент. Она-Ватан эса — сен туғилган уй, унда қолган ота-онанг, туғишганларинг, ёру-биродарларинг демакдир.** Армия сафида хизмат қилиш йигит учун улкан синовдир. Бу даврда у ҳам жисмонан, ҳам руҳан камол топади. Зеро, мусофир бўлмаган мусулмон бўлмас, деб бежиз айтилмаган. Сизлар соҳибқирон Амир Темур миллати ҳеч кимдан кам эмаслигини теран ҳис этиб, томирингизда ана шу шавкатли аждодлар қони оқаётганидан ғурурланишингиз даркор.

Ўтган йил октябрь ойида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон—Тожикистон чегарасидаги Гулбаҳор божхона масканида бўлганида бу ердаги аҳволни мутлақо қониқарсиз дея баҳолаб, уни ўнглаш юзасидан зарур топшириқлар берган эди. Орадан кўп вақт ўтмай, бу ерда зарур анжомлар билан жиҳозланган замонавий божхона биноси қад ростлади.

Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда, деди Президент. Лекин қўшни Тожикистон ва Афғонистонда вазият нотинч. Шу боис чегарачи ва божхоначиларимиз ҳамкорликда ишлаб, ҳудудимизга қурол-яроғ, наркотик моддалар олиб ўтилмаслигини, республикамиздан халқимиз учун зарур маҳсулотлар ташиб кетилмаслигини таъминлаши даркор. **Бунинг учун эса ҳар биримиз — у хоҳ раҳбар, хоҳ оддий ишчи бўлсин, ўз иш жойида вазифасини холисона, масъулият ва жавобгарликни ҳис этган ҳолда бажармоғимиз лозим.** Ҳокимликлар, вазирликлар, суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини баҳолашда бу асосий мезон бўлмоғи даркор. Бу борада сўров жиддий бўлади. Шунинг учун ҳар ким ўзига ҳисоб бериб борсин. Зеро, бу шартларнинг бажарилишига кўп нарса — юртимиз тинчлиги, келажаги боғлиқдир.

Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Бунинг уддасидан чиқиш учун табиий шарт-шароит, илм-фан салоҳияти, иқтисодий имкониятлар етарли. Фақат улардан оқилона фойдаланишга эришмоқ зарур.

Ислом Каримовнинг Сурхондарё вилоятига сафари чоғида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев ҳамроҳлик қилди.

**(ЎзА).**





**Уйчи туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг 8-бригадаси миришкорлари жорий йилда 22 гектар майдонда плёнка остига чигит қадаб, тўлиқ ундириб олдилар. Шу кунларда бригада далаларида ниҳолларга ишлов бериш қизғин тус олган.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Бригада аъзоси Муборак Раззоқова. 2. Ниҳолларга ишлов берилаётган пайт. Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.**

## *Жўшқин ҳаёт лаҳзалари*

### НИҲОЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРИЛЯПТИ

**Шу кунларда Хоразм воҳасида деҳқончилик ишлари айни қизғин паллага кирган. Жорий йилда воҳаликлар 19 минг гектар ерда плёнка остига чигит экишни режалаштирганди. Айни кунларда режанинг 98 фоизи уддаланди. Чигит униб чиққан далаларда ягана ва чопиқ ишлари йўлга қўйилган. Шовот, Янгиариқ, Қўшкўпир каби туманларнинг деҳқонлари дала ишларини сифатли бажаришда пешқадамлик қилишаяпти.**

### ЧОРВАДОР ЭЪТИБОРДА

Самарқанд туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалиги далаларида чорва учун ажратилган ерларга озуқабоп экинлар экиб бўлинди. Айни пайтда бедапояларда ҳам ишлар қизғин. Пешма-пеш ўрилаётган кўк беданинг ўз вақтида фермага етказиб берилаётганлиги маҳсулдорликнинг ортишига асос бўлаяпти.

Ҳозир хўжалик фермасида 150 бош соғин сигир бор. Молнинг сути тилида, дейишади. Озуқа базаси мустаҳкамланаётир. Чорвадорларга яратилаётган шарт-шароит ҳам кўнгилдагидек. Уларга иш ҳақига қўшимча сифатида кундалик эҳтиёж моллари тарқатилаяпти.

### *ПИЛЛА МАВСУМИ ҚИЗҒИН*

«Узбекистон» жамоа хўжалиги ипак қурти боқишга ихтисослашганлиги билан Шаҳрисабз туманида алоҳида ўрин тутади. Хўжалик пиллакорлари ўтган йили 640 қути қурт боқиб, давлатта 32 тонна сифатли хом ашё сотганди. Миришкорлар жорий йилда ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўришди. Мавжуд 90 гектар майдондаги тут ва тут плантациялари яхши парваришланди, вақтида озиқлантирилди.

Шу кунларда звеноларга тарқатилган 640 қути қуртнинг ривожи яхши. Хўжалик маъмурияти пиллакорларни қўллаб-қувватлаб турибди. Ҳар бир қути қурт учун аввалдан 500 сўмдан аванс пули, ёғ, ун, гуруч каби маҳсулотлар тарқатилди.

Хўжаликнинг Ҳаким Ҳазратқулов, Малика Бобоеа ва Нажим Эшонқулов, Раҳматилла Убайдуллаев каби звеноларида айниқса ипак қурти парвариши намунали ўтаяпти.

### АНИҚ МАҚСАД ЙЎЛИДА

**Абдуазим Боймуродов икки йил аввал Сирдарё туманидаги И. Каримов номли жамоа хўжалигидан ер олганида баъзилар иккилангандн. Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деган гап бор. Асл деҳқон фарзанди тажрибаларга таяниб кам бўлмади. 40 гектар майдондан 35 центнердан хирмон кўтарди.**

**Нияти улуғ, дили пок миришкорлар шу кунларда 30 гектардаги ниҳолларга дастлабки ишлов беришаяпти. Шунингдек, 10 гектар майдондаги ғалла мавжи ҳам кўнгилдагидек. Ғаллазор уч бор суғорилиб, озиқлантирилган. Жорий йилда А. Боймуродов аграр соҳадан катта даромад олишни мақсад қилиб қўйган.**

### ТОМОРҚА ДАРОМАДИ

Рўзғорга қут-бараканинг кириши, маъмурчилик манбаи, томорқадан, дейишади. Ана шу ҳикматга амал қилиб келаётган Денов туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигида яшовчи Темур Салимов кам бўлмади. Бисотидаги 12 сотих ердан ҳар йили 180-200 минг сўм даромад оляпти.

— Ерга ишлов берсанг, у алдамайди, — дейди Темур ака. — Уч бор ҳосил оламан. Кузда пиёз эккандим. Натижаси чакки бўлмади. Биринчи ҳосилдан 50 минг сўм фойда кўрдим. Рўзғоримнинг бут бўлишида, бозор иқтисоди шароитида, биринчи галда ўз-ўзини таъминлашда томорқа муҳим ўрин тутади. Иккинчи экин сифатида картошка экканман, ривожи яхши, насиб этса, ер панд бермаслигига ишонаман.

### МАОРИФЧИЛАР МАМНУН

**Ёшларни замон талаблари асосида тарбиялаш, уларни касб-корга йўналтириш шу куннинг муҳим вазифаларидан. Ана шу долзарб масала аграр соҳа фидойиларининг ҳам назаридан четда қолаётгани йўқ. Косон туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги маъмурияти тасарруфида бўлган мактаб жамоасини қўллаб-қувватлаш мақсадида 5 гектар ер ажратиб берди.**

**Шунингдек, илм маскани жамоасини моддий ва маънавий қўллаш борасида ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилаяпти. Барча синфхоналарни жорий таъмирлаш, қўшимча хоналар қуриб бериш, замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш, мактабни компьютерлаштириш ишларини жамоа хўжалиги ўз зиммасига олган. Муҳими, хайрли ишлардан маорифчилар ҳам, ўқувчилар ҳам мамнун.**

### ФАХРИЙЛАР ТИЛАГИ

Фахрийлар — юртимиз ифтихори, ёшларимиз мададкори. Қайси касбда, соҳада бўлмасин, уларнинг ўз ўрни, давомчилари бор. Шароф Рашидов туманида Ғалаба куни муносабати билан уруш қатнашчилари, меҳнат ветеранлари шарафига дастурхон ёзилди.

Туман ҳокими Рустам Элтоев йиғилганларни муборакбод этиб, юртимиз истиқболини белгилашда, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда фахрийларнинг ҳиссаси катта бўлаётганлигини алоҳида қайд этди.

Йиғилганлар иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларига ўрнатилган ҳайкал пойига гулчамбар қўйдилар. Фахрийларга туман касаба уюшмаси ҳамда ҳокимият томонидан қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари улашилди. Фахрийлар мустақиллигимиз абадий бўлиб қолишини тиладилар.

**Ҳ. АБДУСАМИЕВ.**

## *Матбуот сўзининг таъсири*

### «АЙБ КИМДА?»

***«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 1997 йил 4 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган танқидий мақолада Поп туманидаги Ш. Мирсултонова номли жамоа хўжалигида сидқидилдан меҳнат қилган пудратчи ҳақига хиёнат қилинганлиги кўрсатилган эди.***

***Куни кеча таҳририят Поп тумани ҳокими Ҳ. Талобоев имзоси билан ушбу мақолага жавоб хати олди.***

***Унда шундай дейилади:***

Поп тумани ҳокимлиги «Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 1997 йил 4 апрель сонида босилган «Айб кимда?» сарлавҳали танқидий мақола туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг масъул ходимлари томонидан тўлиқ ўрганиб чиқди.

Мақолада Поп туманидаги Ш. Мирсултонова номли жамоа хўжалигида шартнома асосида 2 гектар ерга пахта эккан пудратчи Муҳаммаджон Обидовнинг йиллик режани икки теримда бажаришига қарамай, йил охирида даромад қилиш ўрнига 22 минг сўм зарар кўрганлиги ёзилганди. Текшириш натижасида бу фактлар қисман тасдиқланди.

М. Обидовга оилавий пудрат шаклида ер берилмай, бригада пудрати қилиб, жамоа хўжалиги билан бригада ўртасида маҳсулот етиштириш бўйича шартнома тузилган. Бригада томонидан берилган ҳужжат бўйича 2 гектар ердан олинадиган ҳосил учун сарфланган харажатлар 22584 сўмга кўпайган. Текшириш натижасида бу сумма бригада ҳисобига ўтказилиб, пудратчи ҳисобидан чиқарилди. Пудратчи йил якуни бўйича даромад олган.

Текшириш якуни жамоа хўжалигининг ҳайъати йиғилишида муҳокама қилиниб бригада бошлиғи М. Арслонов, хўжаликнинг техника бўйича ҳисобчиси Ю. Давлатов ва бош иқтисодчи Азизхўжаевлар огоҳлантирилдилар. Пудратчи М. Обидов текшириш натижасидан қониқиш ҳосил қилди.

**Ҳ. ТАЛОБОЕВ,**
**Поп тумани ҳокими.**

### «НОПОКНИНГ ЮЗИ ҚОРА»

***Газетамизнинг шу йил 18 февраль сонида босилган «Нопокнинг юзи қора» сарлавҳали танқидий мақолада Қашқадарё вилоятидаги айрим автохўжалик, корхона, ташкилот ва қишлоқ хўжалиги жамоаларида ҳайдовчилар автомашиналардан ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланганликлари, спиртли ичимликлар истеъмол қилиб маст ҳолда машинани бошқариб кўнгилсиз ҳодисаларни содир этганлари тўғрисида танқидий фикрлар билдирилган эди.***

***Куни кеча таҳририят ушбу танқидий мақолага Қарши шаҳар ҳокими Ш. Бегматовдан жавоб хати олди.***

***Унда шундай дейилади:***

Қарши шаҳар ҳокимлигида «Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг шу йил 18 февраль сонида босилган «Нопокнинг юзи қора» сарлавҳали танқидий мақола атрофлича ўрганиб чиқилди.

Мақолада муҳим, долзарб масала кўтарилган.

Хизмат автомашиналаридан оилавий ва шахсий манфаатлари йўлида фойдаланган, спиртли ичимлик ичиб транспортни бошқарган ҳайдовчиларга нисбатан қуйидаги чоралар кўрилди:

Хизмат автомашинасидан оилавий ва шахсий манфаатлари йўлида фойдаланганлиги учун ҳайдовчи Хусниддин Хиддиев огоҳлантирилиб, 1300 сўм жаримага тортилди.

Абдухолиқ Элмирзаев, Рашид Рўзиев, Жўра Жонқуловлар автомашиналарни маст ҳолда бошқарганликлари учун 2400 ва 1800 сўмдан жарима тўладилар.

Давлат автомобиль назорати ходимлари ҳар доим ўз иш жойларида сергак туриб, автомашиналарни маст ҳолда бошқарган, давлат мулкини талон-торож қилган нопок шахсларга қарши курашни янада кучайтириш тадбирларини кўрмоқдалар.

**Ш. БЕГМАТОВ,**
**Қарши шаҳар ҳокими.**

Республиканинг зарбдор қурилишларида

# ИСТИҚЛОЛ ҚУДРАТИ БУ!

## Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонаси бунёдкорлари ҳаётидан

***Яқин-яқинларгача қип-қизил барханлардан иборат бўлган Қоровулбозор қумликлари ҳозирги пайтда мустақиллик қудрати билан улкан бунёдкорлик маркази бўлиб қолди. Бу ерда ҳажми ва маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан жуда катта бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қад кўтармоқда. Қоровулбозор қишлоғи бугунги кунда бутунлай ўзгариб кетди. Қурувчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли қишлоқ ўрнида шаҳар пайдо бўлди. Айни чоғда бухоролик бунёдкорлар билан бир қаторда бутун республикадан келган қурувчилар ҳам бу муқаддас ишга ўз улушларини қўшишмоқда. Қуйида ана шу бунёдкорларнинг иш фаолияти ҳамда қоровулбозорликларнинг ҳозирги ҳаёти ҳақида сўз юритилади.***

### КЎЛАМИ КЕНГ, САЛОБАТИ ЎЗГАЧА

Корхонанинг биринчи навбати ишга тушгандан кейин бу ерда йилига икки ярим миллион тонна нефтни қайта ишлаш имкони юзага келади. Бундан йилига республика халқ хўжалиги эҳтиёжи учун 76 ва 93 маркали автобензин, авиакеросин, дизель ёқилғиси, қозонхоналар учун ёқилғи, олтингугурт ва газ ёқилғиси олинади. Унинг иккинчи навбати қуриб битказилгандан кейин эса яна икки ярим миллион тонна нефтни қайта ишлаб, юқоридаги маҳсулотларни олиш мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, завод тўла қувват билан фаолият кўрсатгач, нефтни қайта ишлаш миқдори беш миллион тоннага етади. Айни чоғда унинг биринчи навбатини қуриш учун 1991 йилги нархда 459 миллион 427 минг сўмлик капитал маблағ сарфланади. Шундан 341 миллион 689 минг сўми қурилиш-тиклаш ишларига кетади. Ҳаммаси бўлиб заводга қарашли ҳудуд 465 гектарни ташкил этади. Шунинг 200 гектарида корхона, 265 гектарида уй-жойлар, омборлар, маиший хизмат нуқталари ва бошқалар жойлашган. Корхона қурилишида «Бухоронефтзаводқурилиш», «Бухороирқурилиш» трестлари, «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, «Амубухороқурилиш» бошқармаси каби бешта бош пудратчи ва бошқа йирик бинокорлик ташкилотлари қатнашмоқда. Булардан ташқари Франциянинг «Текнип» фирмаси келтириб бераётган асосий ускуна ва дастгоҳларни Туркиянинг «Гама» фирмаси ўрнатмоқда. Бу ускуналар илм-фаннинг охирги ютуқлари бўлиб, жаҳон андозаларининг барча талабларига тўла жавоб беради. Бир сўз билан айтганда, айни кунларда корхона қурилишида ўн мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи қатнашиб, улар 168 та қурилиш нуқтасида фидокорона меҳнат қилмоқда. Ҳозирги кунгача шундан 30 дан ошиғини ишчи комиссия қабул қилиб олди. Хусусан 1995 йилдаёқ 5 минг кубометр сиғимли темир ҳавза ишга туширилганди. Мана икки йилдирки, у фаолият кўрсатмоқда ва тайёр конденсат Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига олиб кетилаяпти. Бунинг учун 17 километрлик темир йўл шоҳобчаси тортилди.

Бундан ташқари ўзига бир неча ўн минг тонна суюқликни сиғдира оладиган 27 ҳавза қурилиши кўзда тутилганди. Айни кунларга келиб бу борадаги ишларнинг ҳаммаси қуриб битказилди. Темир ҳавзаларнинг ён-атрофи ободонлаштирилди. Шунингдек, 22 та насос станцияси, 10 та ёнғинга қарши темир ҳавзалар, тозалаш иншоотлари, таъмирлаш-механика бўлинмалари, гараж, хом-ашё омбори, бошқариш корпуси ва бошқалар ҳам қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Корхонанинг ташқи муҳандислик тармоғининг ўзи 214,7 километрни ташкил этади. Жумладан Кўкдумалоқдан 93,7 километр конденсат қувурлари ўтказилган. Сув тармоғи иккита йўналишда 56,3 километрни, газ қувурлари 26,8 километрни ташкил этади. Иссиқлик тармоғи корхонадан аҳоли истиқомат қиладиган посёлкагача 5,3 километргача етказилди. Лойиҳага кўра завод ва нефтчилар шаҳарчаси электр энергияси билан уч томонлама таъминланиши керак. Бу симларнинг иккитаси Қоракўл ва Бухородан узатилган бўлса, биттаси Кўкдумалоқдан олиб келинади. Ички муҳандислик коммуникациянинг узунлиги 54 километрдан зиёддир.

Қоровулбозор туман ташкил қилинганда бу ерда бор йўғи ўн мингдан сал кўпроқ аҳоли яшарди, холос. Нефть заводи қурилиши бошлангач, аҳоли сони кўпайди. Уларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида минглаб кишилар истиқомат қиладиган нефтчилар шаҳарчаси барпо этилди. Шаҳар ҳокимлиги тузилди. Илгари Қоровулбозор қишлоғида атиги иккита фуқаролар йиғини бўлиб, унда 8 минг 600 киши истиқомат қиларди. Нефть заводи қурилиши туфайли ҳозир маҳаллалар сони яна иккитага кўпайди ва шаҳарда яшайдиганлар йигирма мингта етди. Агарда корхонанинг иккинчи қисми қурилиши бошланса аҳоли сонининг янада ўсиши тайин.

### БИРИНЧИЛАР САФИДА

— Қурувчиларимиз бу ерга 1993 йили келганида ҳеч ким йўқ эди, — дейди биз билан суҳбатда «Бухоронефтзаводқурилиш» тресги бошқарувчиси Анвар Ражабов. — Бинокорларимиз иш бошлаганда қўлимизда трестимизни ташкил этиш тўғрисида бир варақ қоғоз бор эди, холос. Тикланадиган корхона майдони эса қип-қизил қум уюмларидан иборат эди. Шу боис ишни техника олгандан кейин чўл қумини кўчиришдан бошладик. Машина ёрдамида юзлаб тонна қумлар узоқ масофаларга олиб бориб ташланди. Айни кунларда заводни айланган киши бир



● «Бухоронефтзаводқурилиш» тресги пайвандловчиси Рустам Латипов.

вақтлар юқоридаги юмушларни бажарганимизга ишонмаслиги ҳам мумкин.

Трестга қисқа вақт ичида тажрибали ишчилар танлаб олинди. Янгиларига иш ўргатилди. Натижада ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 1200 нафарга етди. Шуни таъкидлаш лозимки, трест ишчилари зиммасига энг нозик юмушларни бажариш юклатилди. Чунончи улар 14 та 20 минг, 10 та 5 минг, 17 та 2 минг кубометрлик суюқлик сақлайдиган сиғимларни битказдилар. Айни чоғда бу сиғимларда энг сўнгги бўяш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бундан ташқари трест ишчилари иштирокида бирваракайига 52 та вагонни тўлдира оладиган эстакадо фойдаланишга топширилганига анча бўлди. Унинг узунлиги 350 метргача бориб етади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда эстакадо ва завод ичидаги кабеллар узунлиги 500 километрни ташкил этар экан. Шуниси диққатга сазоворки, корхонадаги мавжуд кабель ва қувурлар ер устидан ўтказилган. Шу боис уларда бирор-бир носозлик пайдо бўлиб қолгудек бўлса, таъмирловчилар ерни қазиб юрмасдан тезда ишкалликни бартараф этиш имкониятига эгадирлар.

Трест ишчилари корхона ичкарисида 50 гектарлик боғ барпо қилишга ҳам улгурдилар. Бунинг учун минглаб дарахт кўчатлари ўтказилди. Уларнинг парваришига қараб турилди. Ёш ниҳолларни сув билан таъминлаш учун «Дўстлик» каналидан беш километр масофада қувур тортиб келинди. Бунинг натижасида завод ерларидаги бир гектар боғ бу йил ҳосилга кирмоқда. Айни чоғда трест ишчилари суръатни пасайтирмаган ҳолда ойига 1991 йил нархи билан камида тўрт миллион сўмлик қурилиш ишларини бажаришмоқда. Масалан, шу йил март ойида трест ишчилари 3 миллион 800 минг сўмлик қурилиш-тиклаш ишларини адо этишни мўлжаллаб қўйишган эди. Натижа эса кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Яъни улар режани 119,9 фоизга ортиғи билан бажаргани ҳолда бу рақамни 4 миллион 557 минг сўмга етказишди. Ишчиларнинг апрель ойида бажарган юмушлари ҳам 4 миллион сўмдан кам бўлмади. Хуллас, ишчилар корхона қурилиши бошлангандан ҳозиргача анча-мунча ишларни амалга оширишга улгуришди.

> «Бухоронинг еростии ва ерусти бойликлари, моддий потенциали жуда буюк. Хорижий сармоя иштирокида қурилаётган нефтни қайта ишлаш заводини олиб қарайлик. Бу улкан корхона ҳали битмасдан туриб бутун жаҳон аҳлининг тилига тушди. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки бу завод Ўзбекистон давлатининг нефть мустақиллиги дастурида бекиёс ўрин тутади.
>
> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан.

### ЖАҲОН ТАЖРИБАСИГА ТАЯНИБ

Корхонанинг ишга тушишига саноқли кунлар қолди. Шу боис ҳозирги кунда заводда қурилиш ишлари кетиши билан бир пайтда корхона ҳудудида ишлаб чиқариш дирекцияси фаолият кўрсатмоқда. Заводга директор қилиб Фарғона нафтни қайта ишлаш корхонасида ишлаб келган, техника фанлари номзоди Эгамберди Саидаҳметов тайинланди. Ҳозирда у киши заводни ишлатиш ва бошқариш учун тажрибали ишчи-хизматчиларни қабул қилишни давом этмоқда. Албатта, бунда замонамиз илм-фанининг охирги талабларига жавоб берадиган ускуналарни бошқариб, унда жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқара оладиган ўқимишли ва тажрибали ишчи-хизматчилар керак бўлади. Ана шуларни ҳисобга олиб корхона маъмурияти яқинда 33 нафар ишчи ва хизматчини Франциядаги нефть заводларига малака ошириш учун юборди. Айни пайтда улар ушбу Ғарбий Европа мамлакатида нефтни қайта ишлаш сирларини эгаллашмоқда. Бундан ташқари ўтган йили 170 нафар киши Фарғона нефть техникумида таҳсил олди ва шу ердаги нефтни қайта ишлаш заводида иш ўргандилар. Ҳозирги кунда улар замонавий ускуналарнинг ишлаш жараёнлари билан танишишмоқда.

* * *

Йўлингиз тушиб Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бош корхонасидан Қоровулбозор шаҳри томон юрсангиз, қурувчилар ғайрати билан бунёд этилган икки қаватли шинам биноларга кўзингиз тушади. Ҳар бир турар жойнинг ўз дарвозаси бўлиб, унга бемалол машина билан кириш мумкин. Уйларнинг ички қисмида ҳам нефтчиларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Коттежларнинг хоналари кенг ва ёруғ. Иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган ювиниш хоналари, ошхоналари эса хонадон эгалари учун катта қулайликдир.



● «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамияти ишчилари Валентина Белоцерковская, Бафо Кўчқоров ва Людмила Ефимовалар.

— Нефтчилар шаҳарчасида ҳаммаси бўлиб 644 та коттеж, 41 та маданий-маиший хизмат нуқталари ишга тушиши кўзда тутилганди, — дейди корхона қурилиши дирекцияси ишлаб чиқариш бошлиги Очил Шарипов. — Ҳозирги кунга келиб шуларнинг ярмисида қурилиш ва пардозлаш ишлари тугатилиб, ишчи комиссия назоратидан ўтди. Қолган уй-жой ва маданий-маиший хизмат нуқталари ҳам фойдаланишга топширилади. Айни чоғда маданий-маиший хизмат нуқталаридан 3 та болалар боғчаси, 2 та мактаб, дўкон, маҳалла гузарлари, спорт мажмуалари, меҳмонхона ва бошқа шоҳобчаларда қурилиш-тиклаш ва пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Нефтчилар шаҳарчасида қурилаётган клубни ҳозирги кунда Югославиядан келган тадбиркорлар чиройли қилиб безатишмоқда.

Шаҳарда фақат уй-жой қурилишининг ўзи 93 минг 82 квадрат метрни ташкил этади. Айни пайтда бу коттежларни қуришда «Бухоросувқурилиш», «Қаршиқурилиш», «Ўзагроқурилиш», «Вилоятжамоақурилиш» трестлари, «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамияти ва бошқа бинокорлик ташкилотлари қатнашмоқда. Улар қурилишнинг асосий қисмида сувоқ ва пардозлаш ишларини олиб боришмоқда. Бунда айниқса «Қаршиқурилишга қарашли саноат ва уйжой қурилиши тресги бинокорлари пешқадамликни қўлдан бермаётир. Улар 1993 йилдан буён нефтчилар шаҳарчасини тиклашда қатнашиб келишади. Ҳозиргача трест томонидан 96 ўринли ётоқхона, 624 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб, 67 оила учун коттеж қурилиб битказилди. Қолаверса, трест қурувчилари томонидан шаҳарчага уч километрлик сув ва бир ярим километрлик иссиқлик қувурлари тортиб келинди. Умуман бугунги кунда бу ерда трест бўйича 500 нафар қурувчи фидокорона меҳнат қилмоқда. Ҳаммаси бўлиб 223 та уйни қуришни ўз зиммаларига олган «Бухоросувқурилиш» трести ҳам ишни қизитгандан-қизитиб юборди. Улар коттежларнинг бир қисмида ғишт теришни жадал суръатларда олиб боришмоқда. Уйларнинг 100 дан ортиқ қисмида эса пардозлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Уй-жой қуришда асосий бош пудратчилардан ҳисобланган «Ўзагроқурилиш» концерни бунёдкорлари 171 та коттежни қуриб битқазишни ўз зиммаларига олишган. Улар ҳозирги кунда мазкур биноларнинг ҳаммасида иш бошлаб, қурилиш-тиклаш ва пардозлаш ишларини поёнига етказишмоқда. Умуман олганда бинокорларнинг мақсади битта. У ҳам бўлса нефтчиларнинг яшаши ва дам олиши учун юқори даражада шароит яратиш.

* * *

— Мен «Бухоронефтзаводқурилиш» трестида ғишт терувчи бўлиб ишлайман, — дейди Саттор Саксонов. — Нефтни қайта ишлаш корхонасини қуришга ва унинг ишга тушишига оз бўлсада ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман. Чунки бу завод қуриб битказилганидан кейин Ўзбекистонга катта-катта сарф-харажатлар билан олиб келинаётган нефть маҳсулотлари камайиши аниқ. Натижада сарфланаётган жуда катта маблағлар тежалади. Иқтисод қилиб қолинган сармоялар юртимизнинг гуллаб-яшнаши, , халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш учун хизмат қилади. Қолаверса, Асакада ишлаб чиқарилаётган «Дамас», «Нексия», «Тико» машиналарини сифатли ёқилғи билан таъминлаш имкони туғилади. Бошқача айтганда, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи давлатимизнинг нефть мустақиллигини белгилаб бериш билан бир қаторда республикамизнинг иқтисодий бақувватлашувида катта аҳамиятга эга. Бундан фахрланмай бўладими?!

Бу ерда қурувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ишчи ошхонасида овқатлар хилма-хиллиги таъминланиб, арзон ва сифатли. Ойлик маошимиз ҳам ёмон эмас. Ишлашимизга қараб, беш мингдан ўн беш минг сўмгача боради.

### НУР ТАРАТАЁТГАНЛАР

Қоровулбозор туман электр тармоқлари ташкилоти ташкил топиши билан нурчилар ишни Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасида трансформатор қуришдан бошладилар. Шундан кейин бинокорлар вагончалари ўрнатилиб, қурувчилар етиб келди. Аввалига юз, кейинчалик олти юз киловатли электр қувватини кучлантириб берувчи подстанциялар қурилди. Туман марказидан то нефтчилар шаҳарчасигача 35,7 километрлик масофага ўн киловатли ҳаво линияси тортиб келинди.

Туман янги бўлганлиги сабабли республика энергетика ва электрлаштириш вазирлиги нурчиларга 336 миллион сўмлик маблағ ажратди. Натижада туман электр тармоқлари ташкилоти ишлаб чиқариш биноларини қуриб олди. Нурчилар учун қирқта оилага мўлжалланган турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Чунки илгарилари ишчиларнинг кўпчилиги туман марказидан қатнаб ишлашарди. Бу ўзига хос муаммоларни юзага келтирарди. Ҳозирча янги нефть заводининг ўзида 29 нафар нурчи меҳнат қилмоқда. Бу улкан иншоотда иккита 22 киловатли электр қувватини кучлантириб берувчи подстанция мавжуд. Уларнинг доимий ва хавфсиз ишлашида масъулиятли вазифани юқоридаги нурчилар ўз зиммаларига олишган.

Хуллас, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини шу йил 15 июнда ишга тушириш мўлжалланган. Ҳозирги кунда заводнинг асосий қурилиш майдонида тиклаш ишлари тўлалигича тугатилиб, биноларни пардозлаш, корхона ҳудудини ободонлаштириш ишлари кетмоқда. Қурувчилар эса ҳар бир кунни ғанимат билиб бинокорлик ишларини бир сония ҳам тўхтатмаяптилар. Улар ойига 13 миллион сўмликдан зиёд қурилиш ва ободонлаштириш ишларини адо этиб, корхонани ўз вақтида сифатли қилиб фойдаланишга топширишга интилаётирлар. Шунинг учун завод бунёдкорларининг ўз ваъдалари устидан чиқишига ва бу сана Ўзбекистон тарихида унутилмас кунлардан бирига айланиб қолишига шубҳа йўқ.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири.**



● Маъмурий бинонинг сиртқи кўриниши.



● Янги завод кўринишидан бир лавҳа.

Ҳайдарқул ҚУРБОНОВ олган суратлар.

